

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда АҚШнинг «Женерал электрик», «Сикорски эйркрафт», «Боинг», «Эксон мобил», «Хоневелл», «Зеппелин интернэшнл», «Зеппелин интернэшнл», «Нобель», «Уайт энд Кейс ЭлЭлПи», «Ньюкем», «Кейс Нью Холланд» каби қатор йирик компанияларидан кўлаб вакиллар иштирок этганининг ўзидек ушбу мамлакатнинг ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолатдир.

— Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради, — деди АҚШ — Ўзбекистон

савдо палатаси раиси, «Уайт энд Кейс ЭлЭлПи» юридик компанияси асосий ҳамтаъсисчиси Кэролин Лэмм. — Президент Ислон Каримов ташаббус билан мамлакатингиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ишчи ва кенг кўламли ишловлар самарасида молиявий бўҳрон шароитида ялли ички маҳсулот кўрсаткичларини юқори даражада сақлаб қолишга эришилди. Бу ибрат олса арзишқандир. Ўзбекистонда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича жуда самарали механизм шаклланиб, айниқса, диққатга сазовор.

Анжуманда ўзаро товар

айирбошлаш ҳожалири ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида ҳам ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказдилар.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

СИЁСИЙ МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Томонлар юқори технологияли соҳалардаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканини эътибор этди. Бу борада нефть кимёси, электротехника, машинасозлик, фармацевтика sanoati, ахборот-коммуникация технологиялари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳалар устувор йўналишлар экани таъкидланди.

Айни пайтда «Женерал моторс», «Тексако», «Чартиш» ва АҚШнинг қатор бошқа компаниялари Ўзбекистонда йирик сармоявий лойиҳаларни амалга оширганга қайд этилди.

Энергетика соҳасида ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш чоғида Р.Блейк АҚШ Президенти

Б. Обама учун муқобил энергия манбаларини ривожлантириш устувор масалалардан бири эканини таъкидлади. Шу муносабат билан АҚШ томони анъанавий энергия манбаларидан унумли фойдаланиш, шунингдек, тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш соҳасида ҳамкорликдан манфаатдор эканини билдирди.

18 февраль кунини ўтказилган Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форумида АҚШнинг етакчи юқори технологияли компаниялари — «Хоневелл», «Боинг», «Эксон мобил», «Зеппелин интернэшнл», «Катерпиллер», «Ньюкем» билан мамлакатимиз иқтисодиётининг нефть-газ, кимё, нефть кимёси, машинасозлик, электротехника sanoati,

замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариши каби жадал ривожланаётган соҳаларига АҚШнинг илғор технологиялари ва инвестицияларини жалб қилишга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Маслаҳатлашувлар якунида томонлар 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидалари ва принциплари, шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий шартнома, хавфсизлик масалалари ҳамда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик тамойилларига содик эканликларини таъкидладилар.

(ЎЗА).

ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг «Таълим сифати ва меҳнат бозори талабларини уйғунлаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг мутасаддилари, бошқа тегишли ташкилотларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, биргина «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини ҳаётага татбиқ этишга 8 трлн. сўм ҳамда 165 млн. АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлангани, мамлакат ялли ички маҳсулотининг 10-12 фоизи таълимга йўналтирилганлиги ёшлар тарбияси ва тақдир давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан эканини таъкидлади.

— Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш асослари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирил Маҳкамаси мажлисидаги мавзусида таълим тизимидagi муҳим масалаларга алоҳида ургу берди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракцияси аъзоси Шухрат Турсунбоев. — 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи — касб-хунар таълими билан тўлқонли қамраб олиш, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш масалалари ана шулар жумласидандир. Мавзусида қайд этилганидек, ўтган йили мамлакатимиз бўйича 950 миңдан зиёд иш ўринлари яратилди. Республикаимиздаги касб-хунар коллежларини битирган 400 миң 108 нафар ўқувчининг 80,1 фоизи ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашди. Жорий йилда бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш айна заруратдир. Зеро,

2011 йилда касб-хунар коллежларини 430 миң 253 нафар ўқувчи битириб чиқди. Гарчи иқтисодиёт тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашда талаб ва тақлиф мутаносиблигини таъминлашда муайян ишлар олиб борилаётган бўлса-да, бу борада халиҳануз айрим муаммолар мавжуд. Айниқса, касб-хунар коллежларида йўналиш ва мутахассисликларни ҳудудий меҳнат бозори талаби асосида белгилаш, айна пайтда қабул-ли ана шу асос бўйича ташкил этиш зарурати мавжуд. Шундангина битирувчиларни ишга жойлаштириш муаммоси самарали ечим топган бўлур эди.

Давра суҳбатига меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири А. Ҳайитов тадбир иштирокчиларига касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш ва бу бўйича вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил ахборот берди.

Тадбирда, шунингдек, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-ҳодимлар билим ҳамда савиясини ошириш масаласи ҳам атрафлича муҳокама этилди. Чунки бугун ўрта махсус таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшларнинг эртага қандай мутахассис бўлишлари, кўп жиҳатдан, уларга берилётган билимнинг сифатига, яъни ўқитувчилар маҳоратига боғлиқдир.

Давра суҳбатига муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида «Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва оғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган миёнбарга айлантиришдан туриб, бу мақсадларга эришиш бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз», деб алоҳида таъкидлаган эди.

ОАВ — ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ ТАЪСИРЧАН КУЧИ

Концепцияда илгари сурилган ахборот соҳасини ислох қилиш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича вазифаларни рўйбга чиқариш масалалари Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт, Таъки сиёсат масалалари қўмиталари, халқ депутатлари Қашқадарь ва Фарғона вилоятлари Кенгашларининг бўлиб ўтган қўшма мажлисларида муҳокама мавзуси бўлди. Уларда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг Қашқадарь ва Фарғона вилоятларида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Тадбирларда қайд этилганидек, Қашқадарь ва Фарғона вилоятларида ушбу қонунларни ижро этиш борасида муайян ишлар олиб боришмоқда. Чунки, Қашқадарьда 43 та газета, 3 та журнал чоп этилмоқда, 3 та теле ва 2 та радиоканал ишлаб турибди. Қарши шаҳрида нодавлат телерадиокомпания, Шаҳрисабз шаҳрида эса нодавлат телевидение фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, вилоятда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилаётган. Қарши

Концепция: устувор вазифалар

Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган 92 та ОАВнинг 42 таси нодавлат оммавий ахборот воситасидир. Сунги йилларда вилоятда хусусий босма нашрларнинг ададлари ўсиб бораётган. Масалан, агар 2008 йилда хусусий нашрларнинг умумий адади 6 миллион нусхага яқин бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда даярли 6,4 миллион нусхага етди. Марғилон шаҳар «Рухсор» телерадиокомпаниянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида тижорат банкларидан 100 миллион сўмлик кредит жалб қилинди. Бу сармоялар бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли баришида кўл келди. Минтақанинг долзарб муаммоларини ёритиш ҳамда уларни самарали ҳал қилиш мақсадида бевосита мулоқотлар ташкил этилаётгани эътиборлидир. Бунда, албатта, Фарғона вилояти телерадиокомпанияси давлат

ҳокимияти органлари билан ҳамкорлиги сезиларли даражада яхшиланганини айтиб ўтиш лозим. «Очиқ мулоқот»да вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахслар аҳолини қизиктираётган саволларга жавоб бермоқда.

Шу билан бирга, сенаторлар мазкур вилоятларда юқорида номлари зикр этилган қонунлар ижросини таъминлашда бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини таъкидлашди. Хусусан, кўпчилик маҳаллий газеталарда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида юз бераётган долзарб воқеа-ходисалар етарлича ёритилмаётган, тахририятларда муштарийлар қизиқишлари, эътиёжлари ва фикрлари зарур даражада ҳисобга олинмаётган. Айни чоғда тадбирлар иштирокчилари маҳаллий матбуотда хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ҳамда фермер хўжаликларини фаолияти, бозор ислохотлари янада фаол ва чуқур ёритилиши зарурлигини алоҳида қайд этишди.

Мажлисларда, шунингдек, ОАВни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳоли талаби асосида даврий нашрлар ададини ошириш, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, мавжуд имконият ва ресурсларни, илғор ахборот-коммуникация технологияларини медиамаконга жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Тадбирларда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Қўшма мажлисларда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг депутатлари ҳамда Қашқадарь ва Фарғона вилоятлари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, ушбу ҳудудлар ОАВ раҳбарлари ва ходимлари, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг, жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

КИЧИК БИЗНЕС ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИГА ЖАЛЬ ЭТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарорнинг амалга оширилиши ҳам республика, ҳам маҳаллий бюджетлар маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, товар бозорларида ҳалол рақобатни ривожлантириш имконини беради.

Таъкидлаш керакки, қарор кичик бизнес субъектларининг давлат харидларидан фойдаланишини осонлаштириш билан бирга, уларга муайян преференциялар ҳам беради.

Масалан, 1 апрелдан бошлаб давлат харидлари бўйича тендерлар ўтказишда бошқа тенг шартлар билан бир қаторда, кичик бизнес субъектларига муайян афзалликлар бериш тартиби ўрнатилди. Бундан ташқари, қиймати 500 миллион сўмгача бўлган объектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича Давлат бюджети ва

бошқа марказлаштирилган манбалар маблағлари ҳисобидан молияланадиган ишларни бажариш учун пудрат ташкилотлари фақат кичик бизнес субъектлари орасидан танлаб олинади.

Президентимизнинг мазкур қароридида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирил Маҳкамаси ҳузуринда Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги унинг ишчи органи ҳисобланади.

Давлат бюджети ва бошқа марказлаштирилган манбаларнинг давлат харидларини амалга оширишга йўналтирилаётган маблағларидан максимал ҳақда оқилноқа фойдаланишни назорат қилиш, ушбу соҳадаги қонунчиликка риоя қилиш билан бирга, комиссия зиммасига кичик бизнес субъект-

ларини давлат харидлари жараёни фаол ва кенг жалб қилиш учун кулай шарт-шароитлар яратиш вазифаси юклаган. Шунингдек, комиссия тендер (танлов) ва биржа савдоларида иштирок этадиган барча субъектлар вакиллари малакасини ошириш, умумқабул қилинган халқро нормалар ҳамда стандартларни жорий этишига ҳам кўмаклашиши даркор.

Мазкур қарорда кўлаб тадбиркорларнинг нафақат давлат харидларидан фойдаланиши, балки уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенг қўллаб-қувватлаш ҳам кўзда тутилган. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ҳузуринда Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини сотишга кўмаклашиш маркази ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси Молия вазирлиги ҳузуриндаги Ҳуқуқ

маркази билан ҳамкорликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари билан малакасини ошириш курсларини ташкил қилади. Бу, ўз навбатида, уларга тендер савдоларида иштирок этиш ва уларни ўтказиш жараёнлари билан янада кенгроқ танишиш имконини беради.

Юқорида қайд этилган қарорга мувофиқ, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан давлат харидларини амалга оширадиган барча ташкилотлар етказиб бериувчи томонидан зарур товарлар, ишлар ёки хизматлар сотиб олинладиган муддатдан 30 кун аввал махсус ахборот порталида бўлажак харидлар тўғрисидаги эълонли жойлаштириш шарт. Бу ҳам давлат харидлари жараёнининг очик-ошкорлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур портал Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини сотишга кўмаклашиш

марказида ташкил қилинади. Рўйхати Давлат харидлари бўйича ҳукумат комиссияси томонидан белгиланадиган айрим турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича битта шартномага асосан қиймати 300 АҚШ долларидан 100 миң АҚШ долларигача бўлган давлат харидлари Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси ташкил этидиган электрон савдолар орқали амалга оширилади. Қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Барча манфаатдор томонларнинг улардан фойдаланишини таъминлаш мақсадида жойларда кичик бизнес субъектлари учун ҳам, бюджетдан маблағ олувчилар учун ҳам кулай жойлаштирилган савдо майдонлари ҳамда брокерлик идоралари тармоғи ташкил этилади.

Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси тарки-

бида махсус Давлат харидлари бўйича тендер (танлов) савдоларини ўтказишни назорат қилиш бўлими ташкил этилади. Мазкур бўлимнинг зиммасига қаллоблик, ўзаро тил бириктириш аломатлари мавжуд бўлган савдоларни, савдо иштирокчилари ўртасида коррупция алоқалари ёки сохта тендер (танлов) савдоларини ўтказиш ҳолатларини аниқлаш вазифаси юклатилади.

Бунда, қарорга мувофиқ, ўз бўлимлари учун марказлаштирилган харидларни амалга оширадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасига давлат харидларини ташкил этиш ва самарали амалга ошириш, тегишли қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Матбуот хизмати.

Қисқа сатрларда

● НАМАНГАН вилоятида «Саломатлик ҳафталиги» уюштирилди. Ушбу акция доирасида жойларда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган учрашувлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди. Шунингдек, қишлоқ жойларда яшаётган аёллар кичик бизнес ҳамда фермер хўжаликларини фаолияти, бозор ислохотлари янада фаол ва чуқур ёритилиши зарурлигини алоҳида қайд этишди.

● «АНДИЖОН пахта тозалаш» корхонасига хориждан 1.620 миллион сўмлик замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошиб, энергия сарф-ҳаражатлари бир неча бараварга қисқарди.

● УРГУТ туманида лойиҳа қиймати 20,1 миң АҚШ доллариллик «Чашма асал шифо» фермер хўжалиги фаолият кўрсата бошлади. Натижада бу ерда йилга 1 тоннадан зиёд асал етиштириш имконияти юзага келди.

● БУХОРО давлат университетига Корея халқро ҳамкорлик агентлиги томонидан 25 миң АҚШ доллариллик замонавий компьютер жиҳозлари совға қилинди. Шунингдек, ушбу ташкилот кўмағи билан мазкур даргоҳда «Илм ва фанда инновацион технологиялар» маркази ташкил қилиниб, у 5 миң евролик янги техник воситалар билан жиҳозланди.

● СУРХОНДАРЁ вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси драматург Эркин Усмонов каламига мансуб «Дутор» асарини сахналаштирди. Режиссёр Т. Йўлдошев томонидан сахнага олиб чиқилган ушбу спектакль бола-жонларда катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Жаҳон» АА.

Юртимиз ҳар мавсумда гўзал ва тароватлидир. Мамлакатимизнинг бетақор ва жозибали табиати ҳеч бир одамни эътиборсиз қолдирмайди. Киш бўлишига қарамай, Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар оқимининг фаоллиги юртимизнинг жаҳон сайёҳлик бозоригаги ўрни муттасил юксалиб бораётганининг ёрқин тасдиғидир. ЎЗА мухбири сайёҳлардан айрим-айримнинг таассуротлари билан қизиқди.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАРЧА ФАСЛА ТАРОВАТЛИ

Аделинд ГЕРБЕР хоним (Германия):
— Ўзбекистонга бундан 15 йил муқаддам келган эдим. Бу вақт оралиғида мамлакатимизда рўй берган буюқ ўзгаришларни таърифлашга тил ожиз. Тошкент бутунлай ўзгача қиёфа касб этибди. Мухташам бинолар, улкан спорт иншоотлари қад ростлабди, кўпблар замонавий таълим масканлари барпо этилибди, тарихий обидалар таъмирланибди. Ҳар қадамда дам олиш масканлари, ресторани ва қаҳвахоналар, супермаркет ва дўконларни учратиш кўзни қувонтиради. Кўрсатилаётган юқори сифатли хизмат ҳар қандай сайёҳга манзур бўлиши, шубҳасиз.

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу сайёҳларни жалб этувчи энг муҳим омиллардандир.

Магно ПИНЕЛЛИ (Италия):
— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётгани жаҳонни лол қолдирмоқда. Айни вақтда юртингизнинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланиб, нуфузи охири бормоқда. Мамлакатингиз улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Шу боис

дунёнинг кўпблар давлатлари у билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилоқда, етакчи фирма ва компаниялар бу ерга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиш билдирмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Италияда ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик юксак қадрланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ортингизда барқарор банк тизими шаклланиб, молиявий муассасалар жуда фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўпблар истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётир. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб тобора ортиб бораётгани Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, автосаноат ҳам изчил тараққи этиб бораётганини далолатидир.

Тошкент — миллий ва замонавий руҳни ўзида уйғунлаштири олган ажойиб шаҳар. Пойтахтингиздаги гўзал майдонлар, сервайз хибонлар, кенг ва раво кўчалар мухташам бинолар, уларнинг атрофида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари таҳсинга сазовор.

Дунё нигоҳи

Бей ЛИНХУ (Хитой):
— Ўзбекистондек гўзал мамлакатни кўрганимдан жуда хурсандман. Сафарим асносида юртингизда барча жаҳалларда, жумладан, тўқимачилик санатаида эришилаётган улкан ютуқларга гувоҳ бўлдим. Юқори сифатли ўзбек пахта-сидан тайёрланаётган матолар ва кийим-кечақларга дунё мамлакатларида талаб тобора охири бораётир.

Мамлакатингизда мода ва дизайн соҳаси юксалиб бормоқда. Ўзбекистон ушбу соҳанинг раванк топши бўйича дунёда етакчи давлатлар орасидан мустаҳкам жой олаётир.

Юртингизга келишимдан асосий мақсад — тўқимачилик тармоғида фаолият юритаётган корхоналар билан танишиш ва ҳамкорлик шартномалари имзолашдан иборат. Келгусида мазкур йўналишдаги ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Людовик ДЮПОН (Франция):
— Ўзбекистонни кўришга мияссар бўлганимдан жуда хурсандман.

Тошкент менга жуда ёқди. Ширинсухан ва меҳмондўст одамларингиз қалбимда катта меҳр уйғотди. Пойтахтингиздаги тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадимжоларни, музей ва галереяларни, замонавий иншоотларни, майдону хибонларни мириқиб томоша қилдим.

Бежиз Ўзбекистонни жаннатнондан мамлакат, деб таърифламас эканлар. Саёҳатим асносида бунга тўла амин бўлдим.

ЎЗА мухбири Ирода УМАРОВА ёзиб олди.

Реклама аҳолига нафақат маҳсулот ёки хизмат хусусида тушунча беради, балки ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, корхоналарнинг иқтисодий ривожланишига ҳам хизмат қилади. Шу маънода, айтиш мумкинки, бугунги кун бозор муносабатларини рекламасиз тасаввур қилиш мушкул.

РЕКЛАМА ТАРҒИБОТИ

иқтисодий ривожланишга хизмат қилади

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунида ёзилганидек, "Реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларида мавжуд тарқатилмаган махсус ахборот"дир.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасида матбуот, телевидение, интернет ва бошқа реклама жойлаштирувчи ташкилотлар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган брифингда мутахассислар шулар хусусида маълумотлар бериш билан бирга, ўтган йилнинг 18 сентябридан қучга кирган "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 178-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни моҳиятини тушунтирдилар. Таъкидландики, мазкур Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилишидан асосий мақсад республикамиз бозоридан ҳалол рақобат муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз аҳолисининг яримдан кўпрогини ташкил этган ёшларни тамаки ва алкоголь маҳсулотларидан ҳимоялашдир. Масалан, "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддаси тақиқловчи меъёрлар билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, эндиликда ахборотнинг мазмунини бузилишига олиб келувчи хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш, реклама объекти давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганини кўрсатиш каби чекловлар қўйилди. Шунингдек, Қонуннинг 14-моддасига биноан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасига яширин реклама тўғрисида қарор чиқариш ваколати берил-

Тадбир

ган бўлса, 23-моддага кўра, ҳар қандай тур ва қувватдаги тамаки ҳамда алкоголь маҳсулотлар рекламаси тақиқланади. Бундан ташқари, яширин реклама ёки реклама қилиниши тақиқланган маҳсулотларни тарғиб қилганлик учун жарима санкциялари белгиланди. Жумладан, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини реклама қилганлик учун оғохлантиришсиз, тўғридан-тўғри жарима қўлланади. Албатта, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши кўмита зиммасига талайгина устувор вазифаларни юқлади. Шу боис кўмита томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ўтган вақт мобайнида алкоголь маҳсулотлар рекламаси бўйича кўпблар қонунбузилишига йўл қўйган шахсларга қўрсатмалар берилиб, 100 та корхонага нисбатан эса жарималар солинди. Тадбир катнашчилари мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Темир йўлчилар эътирози

21 февраль кундан бошлаб Ироқда поездлар ҳаракати тўхтатилади.




Ироқ молия вазирлигининг мамлакат темир йўл компаниясига маблағ ажратишни тўхтатиш тўғрисидаги қарори маълум қилинганидан сўнг шундай тўхтама қелинган. Таби-

ийки, бу жиддий норозиликларга сабаб бўлди. Соҳада меҳнат қилаётган 12 минг нафар ходим темир йўл бекатлари ва ҳукумат бинолари олдида намойиш уюштирмоқда. Чунки 2003 йилда имзоланган шартномага кўра, 2014 йилга қадар компания ҳар йили давлат томонидан 63,5 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ билан таъминла-ниши лозим эди.

Уйқунинг ҳам меъёри бор

Олти соатдан кам ухлаш инсонда юрак хасталиклари пайдо бўлиши хавфини оширади экан.

Буюк Британиянинг Оровик университети мутахассислари томонидан олиб борилган тадқиқот якунида ана шундай хулосага келинди. Олимларнинг таъкидлашича, инсон тунда олти соатдан кам ухласа юрак хуружи, юрак қон-томир каби касалликларга чалиниш эҳтимоли 48 фоизга кўпаяди. Тадқиқот 25 йил давомида дунёнинг саккиз мамлакатидан олиб борилган ва унга 470 минг нафардан ортиқ одам жалб этилган.



Таъкидланишича, кунига 7-8 соат давомидаги уйқу соғлом ҳаёт кечиришнинг мустаҳкам гарови экан.

Иқтисодий аҳвол муҳокамаси

Парижда "Катта йигирматалик"ка кирувчи давлатлар молия вазирларининг йиғилиши давом этмоқда.

Унда иштирокчилар валюта тизимида ислохотлар ўтказиш масаласини муҳокама қилмоқда.

— Асосий мақсадимиз иқтисодий кўрсаткичлар ўсишини таъминлаб, бар-

Кит овлаш тўхтатилди

Япония кишлоқ хўжалиги, ўрмоншунослик ва балиқ овлаш иши вазирлигининг маълум қилишича, мамлакат Антарктидада олиб борилаётган кит овлаш мавсумини эртароқ тўхтатишга мажбур бўлди.



Кунчиқар юрт вакиллари бундан йўл тутишига АҚШнинг "Денгиз фауналарини қўриқлаш жамияти" фаоллари сабабчи бўлишди. Маълумки, ушбу жониворларни овлаш 1986 йилда Халқаро кит овлаш комиссияси томонидан тақиқланган эди. Бироқ Япония олимлари кит илмий мақсадларда овланаётганини билдириб, бу тақиқга бўйсунмай келишаётганини билдирибди.

Кунчиқар юрт вакиллари бундан йўл тутишига АҚШнинг "Денгиз фауналарини қўриқлаш жамияти" фаоллари сабабчи бўлишди. Маълумки, ушбу жониворларни овлаш 1986 йилда Халқаро кит овлаш комиссияси томонидан тақиқланган эди. Бироқ Япония олимлари кит илмий мақсадларда овланаётганини билдириб, бу тақиқга бўйсунмай келишаётганини билдирибди.

Қийинчиликларга қарамай...

Маиший техникалар ишлаб чиқарадиган "Indesit" компанияси ўтган йилнинг тўртинчи чорадаги 810,9 млн. евро миқдорда даромад қўрган. Бу 2009 йилнинг шу давридаги нисбатан 16,6 фоизга кўпдир.


— Жаҳондаги айрим бозорларда вужудга келган қийин ҳолатлардан компаниямиз жуда му-

ваффақиятли ўтганидан беҳад мамнунми, — дея таъкидлаган "Indesit" президенти Андреа Мерлони.

Тиниб-тинчимас Жеки Чан

Кўпблар киномуҳлисларнинг қалбидан чуқур жой олган таникли актёр Жеки Чан ўз фаолиятидаги 100-фильмда суратга тушди.

"THR" нашрида ёзилишича, "1911" деб номланган мазкур картина тарихий драма жанрида суратга олинган. Унда Жеки Чан Хитойнинг биринчи президенти Сунь Ятсен сиймосини талқин этган.



57 ёшли актёрнинг "Юбилей" фильми тақдими тои шу йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтади.

Кўрфаздаги кўнгилсизлик

Вьетнамнинг Ха Лонг кўрфазидан сайёҳлар тўла катер сувга гарқ бўлди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС. Оқибатда ўн бешга яқин сайёҳ ҳалок бўлди.



Кутқарув хизмати ходимларининг ёрдами билан йигирмага яқин кишининг ҳаёти сақлаб қолинган. Хабарларга қараганда, кемада АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Дания каби ўндан зиёд мамлакатлардан келган сайёҳлар бўлган.

Бахтсиз ҳодиса денгизда турган тўфон оқибатида содир бўлган. Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

БИЛИМЛАР ТИЛСИМИГА ЙЎЛ

Юртимизда ахборот-коммуникация соҳаси, хусусан, интернет тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, илгор технологиялар асосида билим олиш йўналишларининг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчилари томонидан тайёрланган ўқув-услубий маълумотларнинг фойдаланиши асосатқдимотиға бағишланган тадбирда ана шу масалалар хусусида сўз борди. Унда профессор ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.

Тақдимот фойдаланиши асосатқдимотиға бағишланган тадбирда ана шу масалалар хусусида сўз борди. Унда профессор ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар интернет тизимининг турли соҳаларга изчиллик билан татбиқ этилаётгани иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида ижобий самара бераётганини таъкидлашди. Мухими, ахборотлаштириш жараёни фуқароларимизнинг ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланишларига имкон яратмоқда.

Тадбирда мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқув-

чилари ҳамда олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган "Интернет: тарихи, тузилиши, техник хавфсизлик", "Интернет ва ахборот: хизмат ва ахборот: маълумотларнинг фойдаланиши асосатқдимотиға бағишланган тадбирда ана шу масалалар хусусида сўз борди. Унда профессор ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар интернет тизимининг турли соҳаларга изчиллик билан татбиқ этилаётгани иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида ижобий самара бераётганини таъкидлашди. Мухими, ахборотлаштириш жараёни фуқароларимизнинг ахборотдан эркин ва тезкор фойдаланишларига имкон яратмоқда.

Qishloq Qurilish Bank

Qishloq fuqarolari uchun namunaviy loyihalar asosida 15 yil muddatga ipoteka kreditlari!



Telefonlar: (+998 71) 150-93-39, 150-39-93. www.qishloqQurilishBank.uz

«Semillas Fito» (Испания) уруғчилик компаниясининг Ўзбекистондаги вакили иккиламчи экин учун юқори ҳосилдор маккажўҳори уруғларини тақдир этди. Уруғлар сертифициланган ва давлат реестрига киритилган. Маълумот учун телефонлар: (+99897) 100-83-13, (+99893) 382-56-57, (+99871) 257-44-01, 257-44-03.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида-ноқ ажодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш, ўрганиш муҳим вазифага айланди. Бу Президентимизнинг маънавият ва тарихий қадриятларни тиклаш масалаларига доимий эътибори натижасидир.

«ИЧАН-ҚАЛЬА» ТАРИХИМИЗ КЎЗҒУСИ

Хусусан, жамият ва инсон ҳаётида муҳим ўрин тутувчи тарихимиз кўзғуси бўлган музейлар фаолиятига ва музейшуносликка катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистондаги музейлар фаолиятида янги даврни бошлаб беради. 2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юртимизда музейлар фаолиятига, уларнинг ривожланиш истиқболларини белгилашда дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур Фармон талаблари ва қатор меъёрий ҳужжатлар асосида «Ичан-Қальа» музей-қўриқхонасида ҳам мамлакатимиз тарихи учун муҳим илмий ва тарихий аҳамиятга эга ёдгорликларни таъмирлаш, халқимиз онгиде миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилувчи қадимги тарихимизни гавдалантирувчи замонавий экспозиция ва кўргазмаларни очиб, экспонатларни очиб, экспонатларни таъмирлаш, тарихимизга оид китобларни нашр этиш ишларини кенгайтириш, жумладан, тарихий-илмий тўпламлар ҳамда кўриқхона шаҳарлар ва улардаги ёдгорликларнинг йўл кўрсаткичларини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилмоқда. Маълумки, «Ичан-Қальа» давлат музей-қўриқхонаси қадимийлиги, тарихий-меъморий обидалари, экспонатларга бойлиги билан жаҳоннинг энг машҳур музейлари қаторида туради. Музейда олиб борилаётган тадқиқотлар асосида халқимизнинг бой маданий ва маънавий мероси кенг жамоатчиликка намойиш қилинмоқда.

Айниқса, ёш авлодни тарих-ан, буюқ ажодларимизга, миллатимиз меросига юксак ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашда бу ерда олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қадрият

Музей-қўриқхона мактаб, лицей, коллежлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган ҳолда, қатор маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқда. Ёшларимизни она-Ватанга садоқат, бой тарихимиз ва аъёнларимизга ҳуррмат, эҳтиром руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшиш мақсадида таълим муассасаларида ўқитилаётган «Ўзбекистон тарихи», «Маънавият асослари», «Миллий ғоя — асосий тушунча ва тамойиллар» фанлари, шунингдек, Хоразм тарихига оид мавзулар музей-қўриқхонада очик дарслар шаклида ўтказилмоқда. Жумладан, Маънавият тарғибот маркази Хива шаҳар бўлими билан ҳамкорликда жойларда «Музей ва мактаб» ҳамда «Музей ва маҳалла» мавзуларида Хоразм тарихи, амалий санъати, хунармандчилиги, этнографияси, фан ва маданиятига оид кўргазмалар ва тадбирлар ўтказилмоқда. Музей-қўриқхона миз қошида ташкил этилган «Улкан сев ва ўрган» тўғрисида кўпблар ўқувчилар жалб қилинмоқда. Шу билан бирга, музей ходимлари кенг илмий жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаб, илмий тадқиқот ишларига ҳам бош-қош бўлмоқдалар. Музей-қўриқхонамиз атрофига вожа олимлари, тадқиқотчилар, мутахассислар, умуман олганда, кенг жамоатчилик уюшган.

Олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, Урганч давлат университетининг тарих, архитектура, жаҳон тиллари факультетлари, Ахборот технологиялари университети Урганч филиали, Тошкент Тиббиёт академиясининг Урганч филиали билан кўйилган. Шу билан бирга, «Ичан-Қальа» музей-қўриқхонаси илмий ходимлари тарихий-меъморий обидаларнинг ҳолатини назорат қилиш ва сақлаш бўйича Хоразм Маъвун академияси олимлари билан биргаликда тарихий меъморий обидалардаги эпиграфика дурдоналарини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича «Фонд Форум» мутахассислари билан ҳамкорликда Хива хонлиги давридаги васикаларни, қозихатларни ўрганиш бўйича Япониянинг Киото университети олимлари иштирокида илмий иш олиб бормоқда.

Шунингдек, жамоа Хоразм Маъвун академияси, Урганч давлат университети олимлари билан биргаликда Хоразм тарихи, этнографияси, амалий санъати, хунармандчилиги оид мавзуларда ҳам илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу ҳамкорлик натижасида ўтган йили «Хоразм халқ амалий санъати усталари», «Хива эпиграфика ёдгорликлари» номли рисоалар тайёрланиб, нашрдан чиқарилди.

Булардан мақсад, табиийки, архитектура ёдгорликларининг умрини узайтиришдир. Бу борада, айниқса, Хоразм Маъвун академияси олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Улар музей-қўриқхонамизда илмий изланишлар олиб боришапти. Уларнинг фидойиллиги туфайли

Россия линолеуми
Тел.: 234-48-11. Факс: 234-49-58.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть-газ қувурлари, омборлари ва саноят объектларини лойиҳалаш кафедраси профессори **Пўлат Камилевич АЗИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Ўзбекистоннинг қарийб йигирма йиллик истиқлол даврида босиб ўтган тараққиёт йўли бугун дунёнинг жуда кўп давлатларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Президентимиз раҳнаомлигида мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларнинг изчил амалга оширилиши тўғрисида иқтисодий-ижтимоий соҳаларда юксак марралар забт этилиб, одамларимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечирishi учун пухта замин яратилаётир.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мустақиллик тарихимизни тиклаш, маданий, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга безавол етказиш имконини берди. Масалан, 1996 йилда Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилей муносабати билан нафақат Темурийлар давлатининг пойтахти бўлиб хизмат қилган Самарқанд шаҳридаги меъморий ёдгорликлар, балки унинг туғилиб ўсган юрти Шахрисабз шаҳридаги бебаҳо тарихий обидалар ҳам таъмирланиб, уларнинг атрофи обод қиلىнганга айланган. Яна бир эътиборли жиҳати, Ўртабшмиш ташаббуси билан айнан Шахрисабз шаҳридаги темурийлар даврига оид ёдгорликлардан 18 таси ЮНЕСКОнинг "Умуминсоният мероси" китоби рўйхатига киритилди.

Жумладан, Самарқанд давлат университети, ЎзФА Археология институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Янги тарих маркази, Шахрисабздаги Амир Темур номи моддий маданият тарихи музейи ҳамкорлигида Европа фани ва маданияти ассоциацияси президенти, профессор Макс Швоерер ҳамда унинг шогирдлари — доктор Селен Оланье ва Клер Пачеко билан биргаликда темурийлар даврига мансуб мозаика ҳамда майоликаларнинг тайёрланиш технологияси ва хом ашёси мавзусида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу ишлар Франциянинг Бордо-3 университети археоматериаллар лабораториясида кечди. Ушбу мавзу ўта қизиқарли ва долзарб эди. Ўрганишлар асосида темурийлар даврида тайёрланган меъморчилик безаклари ўрта асрлардаги маданият ренессанси сифатида баҳоланади. Афсуски,

XVI асрлардан бошлаб сопол идишлар, мозаика ва майоликалар тайёрлаш технологиясида салбий ўзгаришлар содир бўлган.

Мерос

Темурийлар давридаги кулоллик сирлари ҳамда технологиялари унутила бошланган. Бордо-3 университети лабораториясида айнан кулоллик, меъморий обидаларга ўзгача кўрк бағишлаган мозаика ва майоликаларнинг тайёрланиш сирларини тадқиқ қилишга киришдик. Илмий тадқиқотларга Франция кулоллари ассоциацияси раҳбари, жаҳонга машҳур Мигель Калола ҳам жалб этилди. У шогирдлари билан биргаликда 10 йил мобайнида темурийлар даврига мансуб кулоллик намуналарини тайёрлаш бўйича тажриба олиб борди. Мигелнинг айтишича, бу жараёнда унинг кулоллик мактаби катта янгиликлар кашф этди. Узок йиллик

лаборатория таҳлиллари ва археологик тадқиқотлар натижасида 2 та докторлик диссертацияси тайёрланган ана шу фикрнинг яна бир далилидир. Умуман, ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз мутахассислари эса Амир Темурнинг Шахрисабз шаҳрида қолдирган юксак меъморчилик мероси ҳисобланган

ҳовузларини консервация ва реставрация қилишга ўз молиявий ҳиссасини қўшишга қарор қилди. Шу муносабат билан 2010 йилнинг декабрь ойида бир гуруҳ ўзбекистонлик мутахассислар Францияга тақлиф этилди. Делегацияни ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч океани минтақаси бўлими раҳбарияти, Франция Ташқи ишлар вазирлигининг маданий ҳамкорлик бўлими, Франция Сенатининг маданият масалалари бўйича аъзолари ҳамда Дордоне вилояти депутатлари кутиб олди. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, улар Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг темурийлар даври маданиятини асраб-авайлашдаги хизматларини юксак баҳолашди.

Шу ўринда яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Самарқанд давлат университети ва Франциянинг Бордо-3 университети ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, олий таълим даргоҳимизга 2010 — 2011 ўқув йилида археология мутахассислиги бўйича 25 нафар талаба қабул қилинди. Уларнинг пухта билим олиши, хорижда малака ошириб келиши учун кенг имкониятлар мавжуд.

Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида тарихимизга бўлган ҳурмат-эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, тарихий хотирасиз келажақ йўқ.

Т. ШИРИНОВ,
Самарқанд давлат университети ректори, профессор.
Н. ХУШВАҚТОВ,
Халқаро музейлар Кенгаши (ИКОМ)нинг Ўзбекистон бўлими раиси.

Спорт • Sport • Спорт
Москва шаҳрида бўлиб ўтган аънанавий "Aeroflot Open — 2011" халқаро шахмат фестивалида сойқ жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ГРОССМЕЙСТЕР КУЧЛИЛАР САФИДА



Нуфузли мусобақада дунёнинг 41 мамлакатидан келган 300 нафар "Ақл гимнастикаси" усталари иштирок этди. Шахматчилар жаҳон рейтингига тўплаган очколарига қараб, "А", "В" ва "С" гуруҳларига бўлинган ҳолда дон сурдилар. Ҳамюртимиз Р. Қосимжонов кучли гротсмейстерлардан ташкил топган "А" гуруҳида қатнашди. Муҳими, вакилимиз яқунда 9 имкониятдан 6 очко жамғариб, кучли ўнликдан жой олди. Шунингдек, Денис Хисматуллин (Россия), Юй Яни

(Хитой), Гата Камский (АҚШ), Максим Родштейн (Исроил), Рауф Мамедов (Озарбойжон), Иван Чепаринов (Болгария) ҳам 6 очкодан тўпашди. Рустам Қосимжонов, Денис Хисматуллин ва Рауф Мамедов халқаро турнирни мағлубиятсиз якунлашди. Мусобақада вьетнамлик Ле Куанг Льем, россиялик Никита Витогов ва Евгений Томашевский бир хил — 7 тадан очко жамғаришди. Қўшимча кўрсаткичлар бўйича голиблик вьетнамлик шахматчига насиб этди. Эсингизда бўлса, Рустам Қосимжонов ўтган йили Гуанчжоу (Хитой)да ўтган Осиё ўйинларида вьетнамлик тажрибали шахматчи Ле Куанг Льемни икки бор мағлубиятга учратишга муваффақ бўлган эди.

Гимнастикачимиз муваффақияти

Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Ульяна Трофимова жорий йилдаги дастлабки галабасига эришди. Самара шаҳри мезбонлик қилган Россия очқк чемпионатида иқтидорли гимнастикачимиз тасмада машқ бажаришда барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди. Кўп кураш баҳсларида эса иккинчи ўрин билан кифояланди. Биринчи ва учинчи ўринлар россиялик Евгения Канаева ва Дарья Кондаковага насиб этди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Бунёдкорлар тухфаси

Хива шаҳридаги 12-футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат қошидаги ёпиқ сузиш хавзаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишларига Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 480 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Айни пайтда бу ерда 120 нафардан ортққ ёшлар суз спортининг турли йўналишлари бўйича машғулотларни бошлаб юбордилар.

О. ЖУМАНИЕЗОВ.

КЕЛАЖАК АВЛОДГА БЕҚИЁС ГАМХЎРЛИК

Юртимизда ёш авлоднинг миллий муносиб намуналари ҳамда жаҳон санъатидан кенг баҳраманд бўлиб улғайиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бу борадаги чора-тадбирлар изчиллигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда белгиланганидек, бугун мамлакатимиздаги кўплаб мусиқа ва санъат мактаблари қайта таъмирланиб ёки янгитдан қурилиб, муҳташам кўринишга эга бўлиб бормоқда. Хусусан, ўтган ўқув йилида жойларда 14 та янги мусиқа ва санъат мактаби барпо этилиб, 32 та ўқув даргоҳи капитал реконструкция қилинди. Энг муҳими, мазкур таълим



масканларида ёшларимизнинг замонавий асосда пухта билим олишлари, амалий машғулотларни юксак савияда ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар муҳайё қилинганлигидир.

Яқинда Гулистон шаҳридаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқув биноси ҳам ана шундай янги имкониятларга эга бўлди. Бу ерда ёшлар фортепьяно, торли чолғулар, фольклор, тасвирий санъат ва хореография каби йўналишларда билим олоқдалар. Мактаб фойдаланишга топширилган, мавжуд ўқув йўналишлари ва кўшимча равишда аънанавий ижрочилик, халқ чолғулари, зарбли чолғулар ва скрипка йўналишлари бўйича янги гуруҳлар ташкил этилди. — Юртимизда ёш авлоднинг билими, салоҳияти, маънави ва жиҳмонан бақувват инсон бўлиб етишишни таъминлашга

юксак эътибор қаратилмоқда, — дейди мактаб директори Майнус Сўфиев. — Бизнинг ўқув даргоҳимизда ҳам истеъдодли, изланувчан ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Айни пайтда улар кенг ва ёруғ синф хоналари, машғулотлар учун мўлжалланган махсус аудиториялар, ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси каби қулайликлар билан таъминланган янги ўқув биносиде малакали устоз ва мураббийлари кўмагида илм олишмоқда. Ишончлигимиз ва жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этаётган Шаҳноза Тошкенова, Камола Абдуллаева, Азиз Турғунов, Умида Раҳимова сингари истеъдодли ўқувчиларимиз сафидан буён яна ҳам ортиб бораверади.

Шумурод ХОЛМУРОДОВ.
СУРАТЛАРДА: Гулистон шаҳридаги 2-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг умумий кўриниши; фортепьяно ўқитувчиси Замира Суриева шогирдлари билан.

Қаҳрамон ҚУННОЗОВ олган суратлар.



Таълим

ОЗОДАЛИК — СОҒЛИФИМИЗ ГАРОВИ

Хушхўр таомлар дастурхонимиз кўрқидир. Шу боис ҳар йили табиатнинг сархил неъматлари пишиб етилиши билан ўй бекалари қишки мавсумга атаб хилма-хил консерва маҳсулотларини тайёрлашга киришилади.

Турли дармондориларга бой мева ва сабзавотлардан таркиб топган бундай таомлар "илигузилди" пайтда танимизга қувват бўлиши яхши, албатта. Аммо шуниси борки, консерваланган мева ва сабзавотлар таркибиде турли витамин ҳамда минерал моддалар билан биргаликда, инсон соғлиғи учун жиддий хавф туғдирувчи вируслар бўлиши ҳам мумкин.

син моддаси меъда ҳамда ичакда тез сўрилиб, қон ва ички аъзоларга ўтади.

Тажрибада турли ҳолатларга гувоҳ бўлганмиз. Масалан, бундан уч-тўрт йил аввал юқумли касал-

мидор ва бодринг истеъмол қилган. Қўшимча овқат сифатида гўда-гига ҳам тузламанинг сувидан берган. Орадан бир неча соат ўтиб, бола безовталана бошлади. Нафас олиши қийинлашиб, ранги қукариб кетганига қарамай, ана шифокорга мурожаат қилмаган. Лоқайлик сабаб ўз вақтида шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатилгани чакалоқнинг аҳолини оғирлаштирган. — Тиббий текширувлар шуни кўрсатдики, гигиена қоидаларига риоя қилмасдан тайёрланган консерва маҳсулоти истеъмол қили-

Шифокор маслаҳати

«БИЗ ШУНДАЙ ФАРЗАНД ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ»

...Озоджон оиладаги тўрт фарзанднинг тўнғичи. Шифокор тўнғичидаги миллий хунармандчилик касб-хунар коллежини тугатган. Унинг оила даврида "Энди ўқишимни олий ҳарбий билим юртида давом эттироқчиман. Офицер бўлиш ниятидаман", дейиши ота-онаси учун қутилмаган ҳол бўлди.

Хонадон соҳиби Ашраф ака ёр-биродарлари билан масоҳатлашган, "Майли, ўғлим, ниятинг йўлдошинг бўлсин", дея розилик билдирди. Шу тариқа Озоджон Аминов коллеж-да бирга ўқиган ўртоғи Хуршиддон билан ҳужжатларини Тошкент олий умумқўшун кўмондонлик билим юртига топширди.

Гурур

— Интилганга толе ёр, дейишганидек, ўғлим ҳам, Хуршиддон Атоев ҳам бултур шу ҳарбий билим юртига ўқишга кириш бахтига муяссар бўлишди, — дейди Ашраф ака қувонч билан. — Ҳар иккаласининг ҳам ўқишлари тугатиб, малакали офицер бўлиб ўтишади. Ватан ҳимоячиси деган фахрли ном эгаси бўлади. Мен шундай фарзанд ўстирганим билан гурурланаман.

Озоджону Хуршиддонга ўхшаган қатъиятли, интилувчан ёшлар мисолида бир нарсани ҳис этасан киши: навуқирон авлод вакиллари орасида Ватан ҳимоячиси бўлишдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйган ёшлар сони йил сайин кўпаймоқда. Қуролли Кучлар сафида мудатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, ота-онаси, ёр-биродарлари, маҳалладошлари ишончини оқлаётган йигитларни айтмайсизми? Оддий аскар Истамжон Абдуллаев ана шулардан бири. Қорақўл туманидаги Янгиқалъа қишлоғида яшовчи Тошпўлат Жумонов оиласида воёга етган бу йигит ўз бурчини аъло ўтапти. Яқинда республика мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўйруғига биноан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар қатори унинг ота-онасига ташаккурнома йўлланди.

— Истамжон кўз ўнгимизда ўсиб-улғайган йигит, — ота-оналари қисм командири номидан миннатдорчилик мактублари олинган. Аммо мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари ташаккурномаси илк бор келиши... Айтиш жоизки, Қуролли Кучларимиз сафида ўз йигитлик бурчини намунали ўтаб, ота-оналарига раҳмат олиб келаётган бухоролик бундай ёшлар эл-юрт фахри. Масалан, Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан вобкентлик Мурод Зоир, ғиждувонлик Шерзод Нарзиев ва Нодирбек Очиловнинг ота-оналари номига мамлакат мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар бирлашган штаби бошлиғи ташаккурномалари келди. Саккиз нафар мудатли ҳарбий хизматчининг ота-онаси эса мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари ташаккурномаларини тантанали тарзда қабул қилиб олди.

Истам БИРОХИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ОБ-ҲАВО

(19 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, айрим жойларда қор ёғиши мумкин. Кечаси 10-15, кундузи 2-7 даража совуқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Айрим туманларда бир оз қор ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, қор ёғади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ ўртасида, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлиши кутилмоқда. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Кечаси ва эрталаб бир оз қор ёғади. Ҳарорат тунда 3-5 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 203. 77262 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30
Топширилди — 00.45

ISSN 2010-8788

1-Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Навбатчи — Д. Улмурадлов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

Гулимира КАРИМОВА,
шифокор.

1 2 3 4 5